



INNOVATIVE WORLD
Ilmiy tadqiqotlar markazi

YANGI RENESSANS

RESPUBLIKA ILMIY JURNALI

2026



+998335668868



www.innoworld.net

Google Scholar



zenodo





YANGI RENESSANS

RESPUBLIKA ILMIY JURNALI

2026

3-JILD 1-SON



YANGI RENESSANS

RESPUBLIKA ILMIY JURNALI

TO'PLAMI

3 - JILD, 1 - SON

2026



www.innoworld.net

O'ZBEKISTON-2026



Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари**Жўрабоев Н.Ю.,** ТДТрУ доцентиE-mail: juraboyevnosir4@gmail.com**Юнусова Н.Ш.,** ТДТрУ доценти

Аннотация: Мақолада сўз эркинлигининг мазмун-моҳияти, унинг демократик унсурлардан бири эканлиги, сўз эркинлигининг ҳуқуқий асослари, Конституцияга мувофиқ ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: сўз эркинлиги, конституция, қонун, эътиқод эркинлиги, ахборот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари, ахборот эркинлигининг принциплари, сўз эркинлигининг кафолатлари.

Инсоннинг шахсий ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири – бу шубҳасиз, сўз эркинлиги ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, сўз эркинлиги ҳозирги даврда аксарият мамлакатларда «ахборот эркинлиги» деб аталадиган умумий ҳуқуқнинг таркибий қисмидир. Бу ўз фикрини оммавий тарзда (оғзаки ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзма) баён этиш имкониятини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу ҳақда жумладан, шундай дейилган: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади” (33-модда).

Шунингдек, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкинлиги ҳам Конституцияда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунида давлат сирлари тоифалари аниқданган ва улар ҳақидаги маълумотларни олиш ва тарқатиш чегараланган. Албатта, сўз эркинлиги бу мутлоқ эркинлик дегани ҳам эмас. Бу ҳақда Асосий

Қонунимизда шундай дейилади: «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» (60-модда).

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга соладиган махсус қонунлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, айтиш жоизки, бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизимини яратади, соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий аниқлигини таъминлайди ҳамда оммавий ахборот воситаларининг амалда эркинлигини кафолатлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XV боби «Оммавий ахборот воситалари» деб номланган ва унда қуйидаги ҳуқуқий асослар кафолатланган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир (81- модда);

Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади» (82-модда).

Бундан ташқари, Ўзбекистонда сўз эркинлигига оид конституциявий қоидалар қуйидаги қонунларда аниқлаштирилган ва ривожлантирилган: «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» (1996), «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996), «Реклама тўғрисида» (1998), «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» (2002). Ушбу қонунларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш кафолатларига, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда нодавлат тузилмалари муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ушбу йўналишда фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар. Фақатгина устав

фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг оммавий ахборот воситаларини ташкил этишига йўл қўйилмайди.

Ахборотдан фойдаланиш эркинлиги, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини кафолатлайди. Аммо ахборотдан фойдаланиш эркинлиги, айниқса, у жамият хавфсизлиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қиммати сингари тушунчаларга дахл қилса, мутлақ бўлиши мумкин эмас. Бунда чекловларсиз бирор мақсадга эришиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига биноан, миллий хавфсизлик, ҳудудий яхлитлик ёки жамоат тартиби мақсадида, соғлиқ ва ахлоқни муҳофаза қилиш, шахснинг обрўсини ёки бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махфий йўл билан олинган ахборот тарқатилишининг олдини олиш ҳамда одил судловнинг ҳолислиги ва нуфузини таъминлаш учун сўз эркинлиги чекланиши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда веб-сайтлар, блогерларнинг саҳифалари айрим ривожланган мамлакатларда бўлгани каби рўйхатдан ўтказилмайди. Аммо улар рўйхатдан ўтказувчи органга оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказишни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Бу, табиийки, қонунчиликда оммавий ахборот воситалари, журналистлар учун кўзда тутилган имтиёз, кафолат ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланишига замин яратади. Бугунги кунда мамлакатимизда “Uz” доменида 30 мингга яқин веб-сайтлар бўлиб, уларнинг 360 дан ортиғи интернет оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият юритади.

Мамлакатимизда веб-сайтлардан фойдаланиш бир ҳолатда, яъни веб-сайт эгаси, шу жумладан, блогер “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун талабларини бузиб, ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан мамлакатнинг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш, давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатиш ва бошқалар учун фойдалангандагина чекланиши мумкин.

Маълумки, ахборот тарқатишда бевосита ва билвосита журналистиканинг ўрни бекиёс. Мавжуд қонунларда бу ҳақда ҳам муайян жавобгарлик белгилаб

кўйилган. Масалан, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда журналистнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда, мажбуриятлари кўзда тутилган. Унга кўра, журналист ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва ҳолис ахборот тақдим этиши, айбсизлик презумпцияси принципага амал қилиши, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас”.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон ОАВ олдида муҳим вазифалар турибди. Бир тарафдан, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қурилиши шароитида кишиларни оламда юз бераётган воқеалардан ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш, жамоат фикрини шакллантириш, республикада амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама ёритиш матбуот вакиллариининг долзарб ва кундалик вазифаларидир. Иккинчи тарафдан, сўз эркинлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳам муҳмдир. Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 3 август куни юртимиз зиёлилари билан ўтган учрашувда таъкидланганидек: “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”.

Дарҳақиқат, сўз эркинлиги соҳасида кўрилган чоралар халқаро ҳамжамят томонидан ижобий баҳоланди. Натижада, 2019 йилда Ўзбекистон Матбуот эркинлиги индексида “қора зона”дан чиқарилди.

REFERENCE:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқинга байрам табриги. – “Халқ сўзи”, 06.12.2024.
3. Одилқориев Х.Т. Конституция ва ижтимоий давлатчилик. – Т., “Yuridik adabiyotlar publish”, 2022.
4. Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш. Рисола. Муаллифлар жамоаси. – Т., 2021.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. – Услубий қўлланма, Тошкент, 2019 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни. – Тошкент, 1997 й.